

**ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ: ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРЛАР
САЛОҲИЯТИ**

**ШАНХАЙСКАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ СОТРУДНИЧЕСТВА: ПОТЕНЦИАЛ
ИННОВАЦИОННЫХ КЛАСТЕРОВ**

**SHANGHAI COOPERATION ORGANIZATION: THE POTENTIAL OF
INNOVATIVE CLUSTERS**

Исаджанов А.А

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Ислом иқтисодиёти ва
молияси зиёрат туризми” кафедраси профессор в.б., и.ф.д*

Аннотация: в статье рассмотрены особенности и приоритетные направления развития инновационных кластеров в рамках Шанхайской организации сотрудничества, особое внимание уделено опыту формирования инновационных кластеров в странах Шанхайской организации сотрудничества, перспективам взаимодействия инновационно-образовательных кластеров, обоснованы преимущества, которые будут обеспечиваться в рамках международных инновационных образовательных кластеров в ШОС.

Ключевые слова: кластер, инновация, Шанхайская организация сотрудничества, инновационные кластеры.

Аннотация: Мақолада Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида инновацион кластерларни ривожлантиришнинг хусусиятлари ва устувор йўналишлари кўриб чиқилди, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатларида инновацион кластерларни шакллантириш тажрибасига, давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик истиқболларига алоҳида эътибор қаратилган, инновацион ва таълим кластерлари ҳамда ШХТдаги халқаро инновацион таълим кластерлари доирасида устуворликлари асослаб берилган.

Калит сўзлар: кластер, инновация, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, инновацион кластерлар.

Abstract: The article discusses the features and priority areas for the development of innovative clusters within the framework of the Shanghai Cooperation Organization, special attention is paid to the experience of forming innovative clusters in the countries of the Shanghai Cooperation Organization, the prospects for interaction between innovative and educational clusters, and justifies the benefits that will be provided within the framework of international innovative educational clusters in the SCO.

Key words: cluster, innovation, Shanghai Cooperation Organization, innovation clusters.

Ўзбекистон Республикаси Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда ва ШХТга аъзо мамлакатлар билан икки томонлама ва кўптомонлама алоқаларни изчиллик билан ривожлантириб бормоқда. ШХТга аъзо мамлакатлар билан ҳамкорликда устувор йўналиш савдо-иқтисодий, инвестицион ва инновацион алоқаларни фаоллаштириш бўлиб ҳисобланади.

ШХТ Хартиясига мувофиқ, аъзо давлатлар ҳамкорлик қилишда қуйидаги принципларга амал қилишади:

- давлатлар суверенитети, мустақиллиги, ҳудудий яхлитлигини ва давлатлар чегараларининг далсизлигини ўзаро ҳурмат қилиш, бостириб кирмаслик, ички ишларига аралашмаслик, куч ишлатмаслик ёки халқаро муносабатларда куч билан таҳдид қилмаслик, чегарадош ҳудудларда бир томонлама ҳарбий устунлик қилишдан воз кечиш;

- аъзо давлатлар тенг ҳуқуқлиги, ўзаро тушунишга асосланган ҳолда қарашлар кесишувчи нуқталарни излаш, ҳар бир аъзо давлатнинг фикрларини ҳурмат қилиш;

- умумий манфаатлар мавжуд йўналишларда биргаликдаги ҳаракатни босқичма-босқич амалга ошириш;

- аъзо давлатлар ўртасида мавжуд бўлган қарама-қаршиликларни тинчлик йўли билан бартараф этиш;

- ШХТни бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотларга қарши қўймаслик;

- ШХТнинг манфатларига қарши қаратилган ҳар қандай ноқонуний ҳаракатларга йўл қўймаслик;

- ШХТ доирасида қабул қилинган ҳужжатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни виждонан бажариш.

2013 йилнинг сентябрь ва октябрь ойларида ХХР раҳбари Си Цзиньпин ўзининг Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига ташрифи доирасида ХХI аср Ипак йўлининг иқтисодий белбоғини ва Денгиз Ипак йўлини биргаликда ташкил қилиш бўйича ташаббусни (бундан кейин «Бир макон – бир йўл» ташаббуси деб номланувчи) илгари сурди. Мазкур ташаббус халқаро ҳамжамиятнинг катта эътиборини ўзига тортди [1].

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ШХТ ташкилотдаги иштирокини сезиларли даражада фаоллаштирди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат раҳбарларининг Остона, Циндао ва Бишкек саммитларида хавфсизлик, савдо-иқтисодий, илм-фан, таълим ва маданий-гуманитар соҳаларда амалий таклифларни илгари сурди [2].

Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида, глобал даражада амалга оширилаётган стратегик интеграцион мақсади – мамлакатимизни макро-мезо- ва микродаражаларда ташқи дунё билан ўзаро ҳамкорлиги учун тенг ҳуқуқли ва миллий манфаатларга жавоб берувчи шарт-шароитлар яратиш асосида қўшилишидир.

Ушбу мақсадларнинг амалга оширилиши Ўзбекистонга XXI асрда жаҳон иқтисодиёти учун хос бўлган ШХТ доирасида бир қатор долзарб масалаларга эътиборни қаратиб келмоқда:

рақобатбардош, очиқ иқтисодиётни ривожлантириш дорасида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш, экспортни қўллаб-қувватлаш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишини кенгайтириш, қулай инвестицион иқлим яратиш натижасида инвестиция-ларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш.

миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий-экологик йўналтирилган ривожланиш моделини шакллантириш ва жорий этиш.

Ушбу масалалар доирасида инновацион кластер моделини ривожлантириш катта аҳамиятга эга.

Замонавий адабиётда "кластер" атамаси М.Портернинг "Халқларнинг рақобатбардош афзалликлари" (1990) китобида ёритилган. Унинг таъкидлашича, "кластер - бу умумий фаолият билан ажралиб турадиган ва бир-бирини тўлдирувчи, маълум бир ҳудудда фаолият юритувчи, бир-бирига боғланган, жуғрофий жиҳатдан бир-бирига боғланган компаниялар ва тегишли ташкилотлар гуруҳидир" [3].

Ю. Герцикнинг таърифга кўра, кластер сиёсати бир давлат чегаралари билан чекланиб қолмайди, балки кенгайтиришга ва фирмалараро алоқаларнинг кенг тармоғига эга бўлган трансчегаравий ёки трансмиллий кластерларни шакллантиришга интилади [4].

Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрича, инновацион кластерларлар ҳамкорлик режимида (collaboration - французча «ҳамкорлик») ишлайди.

Ушбу ҳамкорлик очиқ инновациялар (Г. Чесбро) [5] ва "Учламчи спираль-Triple Helix" (Г. Ицковиц ва Л. Лейдесдорф) [6] замонавий концепцияларига мос келади. Бу борада, Россия ва Хитойнинг инновацион кластерларни яратишда инновацияларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасидаги мавжуд тажрибасини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Россия Федерациясида кластер сиёсати 2030 йилгача инновацион ривожланиш стратегиясига ва 2025 йилгача бўлган даврда Россия Федерациясининг фазовий ривожланиш стратегиясига мувофиқ амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда Россияда инновацион кластерларни қўллаб-қувватлаш механизми кенг қўлланилмоқда.

Жами 27 та инновацион кластер тузилди. Бу кластерларда университетлар уларнинг ривожланишини рағбатлантиришда муҳим ўрин тутмоқда. Россияда 1,3 миллион иш ўринларини қамраб олган 3 мингдан ортиқ ташкилотни бирлаштирган 110 дан ортиқ кластерлар шакллантирилган [7].

Хитойда 1300 дан ортиқ саноат ва инновацион кластерлар яратилган [8]. Хитойнинг кластер сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи асосий

тузилмаларга қўйидаги етакчи илмий ва таълим муассасалари ҳисобланади: Хитой Фанлар академияси, Хитой Тиббиёт фанлари академияси, Хитой Миллий табиий фанлар жамғармаси, Хитой фан ва технологиялар ассоциацияси, шунингдек етакчи Цинхуа университети (Пекин), Пекин университети (Пекин), Ҳарбин технология университети (Харбин), Нанкин университети (Нанкин), Далян университети (Далян), Жанубий Хитой технология университети (Гуанчжоу) каби университетлар.

Технопарклар Хитойда инновацион ривожланишни рағбатлантиришни яна бир институционал шаклидир. Хитой технопарклари давлат ташаббуси билан очилгани учун уларни “давлат билан алоқадор кластерлар - state anchored cluster” деб таснифланади.

Ушбу тизимда 560 мингдан ортиқ илмий ва муҳандислик ходимлари (шундан 52 мингдан ортиғи магистрлар, 9 мингдан ортиғи фан номзоди), шунингдек, коллеж битирувчиларининг учдан бир қисми (4 миллиондан 1,33 нафари) ишлайди. Инновацион кластерлар таркибида 250 дан ортиқ инновацион ва юқори технологиялар бизнес-инкубаторлари фаолият юритмоқда ҳамда кучли илмий-тадқиқот марказлари (R&D) ташкил этилган.

Умуман олганда, ШХТ доирасида инновациялар ва таълим кластерларининг ўзаро ҳамкорлиги учун яхши истиқболлар мавжуд, жумладан:

- доимий ахборот алмашиш, тажриба ва билимларни, ўқув жараёнини ташкил этиш технологияларини узатиш, ғоялар, билимлар, технологиялар, компетенциялар ва бошқалардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

- тармоқнинг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш, талабалар ва ўқитувчиларнинг академик ҳаракатчанлиги ўсишини, ҳар икки мамлакат илмий университетларининг оммавийлигини оширишни таъминлаш;

- таълимда инновацион технологияларни яратиш ва жорий этиш соҳасида янги қўшма лойиҳалар соҳасида ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш учун барча мамлакатлар учун фойдали бўлган ёндашувлар тақдим этилмоқда;

- иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, таълим, фан, қўшма лойиҳа фаолиятини такомиллаштириш, инновацион хорижий ва маҳаллий ишланмаларни тижоратлаштиришга кўмаклашиш;

- кенг таълим ва илмий алоқалар тармоғига эга бўлган трансиллий инновацион таълим кластерларини, шунингдек, тармоқ университетлари ва қўшма таълим муассасаларини ривожлантириш. Россия ва Хитойда таълим ва илмий тузилмаларни ўз ичига олган бундай кластер тузилмаларини яратиш тажрибаси мавжуд;

- халқаро инновацион таълим кластерларини шакллантиришни рағбатлантириш;

- ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, талабалар амалиётини ўтказиш, ШХТ бозорининг реал эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда илмий-тадқиқот лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

Халқаро инновацион таълим кластерлари доирасида уларга таълим муассасалари, илмий марказлар, инновацион технологик тузилмалар кирганида бериладиган асосий афзалликлар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, уларнинг барча иштирокчиларининг таълимнинг юқори даражасига эришиши, билимлар ҳажмининг ошиши ва уларни тарқатиш тезлигининг ошиши ҳисобига тадқиқот самарадорлиги, университетлараро ва ўзаро фаолият жамоаларни шакллантириш учун янги ғояларни яратиш; инновацияларни жадал яратиш ва жорий этишни таъминлаш, уларни тижоратлаштириш харажатларини камайтириш.

Иккинчидан, инновацион ва технологик хатарларни камайтириш. Кластерлар бизнес қарорлари нархини пасайтиради, чунки интеграция ва ҳамкорликнинг таъсири намоён бўлади.

Учинчидан. талабалар, ўқитувчилар, тадқиқотчиларнинг академик ҳаракатчанлиги имкониятларини кенгайтириш, йирик қўшма маҳаллий лойиҳаларни амалга ошириш.

Тўртинчидан, халқаро инновацион таълим кластерларининг бир қисми бўлган университетлар ва тадқиқот тузилмалари имиджининг ижобий салоҳиятини шакллантириш, уларнинг глобал таълим маконидаги мавқеини мустаҳкамлаш.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Прекрасные перспективы и практические действия по совместному созданию экономического пояса шелкового пути и морского шелкового пути XXI века. 2015/04/16. <http://uz.chineseembassy.org/rus/slfy/sczljjd/>
2. ШХТ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг Тошкент мажлиси <https://review.uz/oz/post/straniy-shos-prinyali-programmu-torgovo-ekonomicheskogo-sotrudnichestva-do-2035-goda>
3. Porter M. E. Towards a Dynamic Theory of Strategy // Strategic Management Journal. — 1991. — № 12. — p. 95-98.
4. Герцик Ю.Г. Анализ опыта России и Китая в реализации кластерной политики и совместных инновационных проектов. <//C:/Users/Acer/Downloads/analiz-opyta-rossii-i-kitaya-v-realizatsii-klasternoy-politiki-i-sovmestnyh-innovatsionnyh-proektov.pdf>
5. Шинкевич А.И. Ярлыченко А.А. Особенности реализации модели открытых инноваций субъектами предпринимательства в условиях интеллектуализации факторов производства. <https://1economic.ru/lib/110883>
6. Пахомова И.Ю. Модель «Тройной спирали» КАК механизм инновационного развития региона. <https://core.ac.uk/download/pdf/151223867.pdf>

7. Официальный сайт Министерства экономического развития РФ (2020) / Минэкономразвития России. [Электронный ресурс]. URL: <http://economy.gov.ru/en/home> (дата обращения: 22.01.2021).

8. Ксенофонтова О. Л. Опыт зарубежных стран по созданию и функционированию кластеров: модельный подход // Современные наукоемкие технологии. Региональное приложение. — 2015. — № 2(42). — с. 39.